

**Ўзбекстан Республикасы Илимлер Академиясы
Қарақалпақстан бөлими**

Қарақалпақ гуманитар илимлер илим-изертлеў институты

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАНДА ЭТНОГРАФИЯЛЫҚ
ИЗЕРТЛЕЎЛЕР: ТАРИЙХ ҲӘМ ЗАМАНАГӨЙЛИК**

Қарақалпақстанға мийнети сиңген
илим ғайраткери, тарийх илими кандидаты
Хожахмет Есбергеновтың 90-жыллығына бағышланған
илимий-әмелий конференция

МАТЕРИАЛЛАРЫ

Нөкис
«Илим»
2023

УОК 008(575.172)+94(575.172)

КБК 63.3(5Қар)

Қ50

Қарақалпақстанда этнографиялық изертлеулер: тарих хәм заманагөйлик // Республикалық илимий-әмелий конференция материаллары. ӨзРИАҚБ Қарақалпақ гуманитар илимлер илим-изертлеу институты. Нөкис: «Илим» баспасы, 2023ж., 132 б.

Топлам Өзбекстан Республикасы Илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлими Қарақалпақ гуманитар илимлер илим-изертлеу институты Илимий Кеңесиниң (2023-жыл, 10-апрель күнги №3-санлы баянлама) қарарына тийкарланып Қарақалпақстан Республикасының этнография илимине өз үлесин қосқан Қарақалпақстанға мийнети сиңген илим ғайраткери, тарих илими кандидаты Хожахмет Есбергеновтың 90-жыллығы мүнәсибети менен шөлкемлестирилген *«Қарақалпақстанда этнографиялық изертлеулер: тарих хәм заманагөйлик»* атамасындағы республикалық илимий-әмелий конференция материаллары.

Бас редактор: Қарлыбаев М.А.

Жууаплы редактор: Курбанова З.И.

Таярлаушы: Сайтов А.Т.

Топламда берилип атырылған материаллардағы мағлыұматлардың хәм мазмунының дурыслылығына авторлар жууапкер, олардың пикирлери редакцияның пикирлери болып есапланбайды.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИНИНГ СОВЧИЛИК УРФ-ОДАТЛАРИ

М.И. Ходжанов

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими
Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти*

Хар бир халқ ўзининг кундалик ҳаётида бир қанча маросим ва урф одатларни бошидан ўтказди. Ана шундай маросимлар ичида никоҳ тўйлари, айниқса совчилик анъаналари ўзининг маъсулиятли урф-одатларига бойлиги билан бошқа тўй маросимларидан фаркланиб туради. Никоҳ тўйи бир неча босқишлардан иборат бўлиб, улар ичида совчилик ва у билан боғлиқ удумлар минтақа ўзбекларининг идентиклигини, шунингдек локал хусусиятлари билан бошқа вилоятларда истиқомат қиладиган ўзбеклардан ажралиб турадиган маданиятга эгаллигини кўришимиз мумкин.

Қорақалпоғистон аксарият ўзбекларида совчилик «саўчы» (МДЁ 2022, № 1) деб юритилса, Қўнғирот тумани ўзбекларида «джавчи» деб айтилади (Ишаев, 1977. 176 б.). Минтақамизда совчилик анъанаси эски даврдан то шу кунимизга қадар консерватив характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ўзбеклар каби минтақамизда яшайдиган мазкур этнос вакиллари келиннинг одоби, тарбиясига алоҳида эътибор бериб, қизнинг оиласини суриштириб, сўнгра маъқул келган тақдирда совчиларни жўнатади.

Совчилик миллий, этник, анъанавий амаллар ва талабларига риоя қилиб, никоҳ мустаҳкамлигининг муҳим шартларидан ҳисобланади (Маткаримова, 2020. 32 б.). Шу сабабдан совчиликка алоҳида эътибор берилиб, куёвнинг яқинларидан ёши улуг, кўпни кўрган ва тажрибали кишилар юборилади.

Қорақалпоғистон минтақаларида яшайдиган ўзбекларнинг совчилик удумларида баъзи фарқли жиҳатлар мавжуд. Масалан, жанубий туманларда биринчи марта совчиликка 2-3 нафар эркак кишилар боради. Шимолий-ғарбий туманларда эса асосан аёл кишилар бу амални бажаради. Тўрткул, Беруний, Элликқалъа туманларида совчиликка борган кишилар ўзлари билан новвот, оқ қанд, Тахиатош, Хўжайли ва Қўнғирот туманларида эса ширинликлар билан бирга нонларни («чөрәк») олиб бориш одат ҳисобланади (Ишаев, 1977. 176 б.). Одатда бўлажак куёвнинг яқинларини қиз томон иззат-эҳтиром билан кутиб олади. Меҳмонлар ва мезбонлар дастурхон атрофида бир-бирига илиқ муносабатда бўлишади. Бир қанча вақт ўтганидан сўнг, қиз томонга куёв маъқул бўлса, келган совчиларга розилик маъносида оқ мато бериб юборилади. Агарда совчилар учинчи марта совчиликка борганда оқ мато берилмаса, бу удум қизни бермаслигини англатади. Семантик маънога эга бу амал ўзбекларда «оқлиқ» деб аталади (Шаниязов, 2011. 349-364 б.). Жанубий туманлардан фарқли ўларок, Хўжайли, Тахиатош ва Қўнғирот туманларида «оқлиқ» билан боғлиқ удумнинг йўқлигига гувоҳ бўлдик.

Оқ мато бериш билан боғлиқ бу удум республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам мавжуд. Хоразм ўзбекларида келган совчиларнинг нон, патир ва ширинлик ўралган дастурхони олиб қолинса, бу розилик белгиси ҳисобланади ва қиз томондан совчиларнинг ҳар бирига «оқ рўмол» (асосан рўмолнинг «қозоқи» деб номланувчи тури) бериб юборилади (Маткаримова, 2020, 33 б.). Қашқадарё вилоятида куёв томон маъқул тушса,

совчилар учинчи марта келганида, розилик аломати сифатида оклик (ок рўмолча) берилган (Тошева, 2007. 40 б.). Фарғона водийсида окликни куёвнинг онасига, отасига эса ятак, белбоғ ва чопон берганлар. Қиз томоннинг розилигини билдирувчи «оқлик» муқаддас саналган бўлиб, уни қайтариб бериш оғир гуноҳ ҳисобланган (Аширов, 2007. 40 б.).

Учинчи марта совчиликка борган эркак кишилар қуда томоннинг розилигини олиб бўлиб, бўлажак куёвнинг ота-онаси ва яқинлари келиннинг хонадонида тўйнинг кунини ва харажатларини маслаҳатлашадилар. Совчилик урф-одатларига назар ташлайдиган бўлсак, куёвнинг элчилари қизни сўраб борганида ўзлари билан биргаликда нон олиб бориш одати мавжуд. Қўнғирот тумани Қангли овул фуқаролар йиғинида совчиликка қизни сўраб борилганида 9 та патир, 9 та қатлама ва 9 та нон ҳамда қизга уст-бош кийим-кечаклар олиб келинади (МДЁ 2020, № 4). Амударё тумани Қиличбой овул фуқаролар йиғинида аёллар келиннинг хонадонига ташриф буюрганида 9 та патир, 9 та қатлама ва 9 та нон келтириб, 9 та ноннинг ҳар бири устига ёшлар фарзандли бўлсин деган магик ниятда кичкина кулча қўшиб олиб келиш каби одат мавжуд экан (МДЁ 2022, № 8). Эликқабла тумани Сарибий овул фуқаролар йиғинида бўлғуси қудалар томонидан олиб келинган нонларни қўшниларига «сизларнинг хонадонингизда ҳам тўй бўлсин!» деган ниятда тарқатиш ҳолатлари ҳам учрайди (МДЁ 2022, № 6).

Нон ҳақида фикр юритар эканмиз, никоҳ тўйларида ўрин олган «*нон синдириш*» тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Нон фақатгина истеъмол қилинадиган маҳсулот бўлибгина қолмай, у халқимиз орасида турли хил урф-одат ва маросимларимизда маълум бир функцияни бажариб келган. Айниқса, оила циклида ўтказиладиган никоҳ тўй маросимларида ноннинг катта аҳамиятга эгалигини кўришимиз мумкин. Бу тўғрида рус этнограф олими Л.Я.Штернберг «нон синдириш удуми қадимги афсунгарлик кўринишлари билан боғлиқ бўлган», деган фикрни айтади (Штернберг, 1926. 123 б.). Қорақалпоғистон ўзбекларида ҳам нон улуғ неъмат ҳисобланиб, ёшлар рискли, тотли ҳаёт кечирсин деган эзгу ниятда қудалар нонни жуфт қилиб синдиришади, баъзи қишлоқларда эса келин ва куёвларга нонларни тишлатиб ҳам ирим қилинади (МДЁ 2022, № 5). Тахиатош тумани Найман қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда Нукус шаҳри атрофларида яшовчи ўзбекларда нонларни жуфт қилиб синдирганидан сўнг, маросим иштирокчилари бўлган қариндошларига ҳам ушбу нонлардан инъом қилиш одатга айланган (МДЁ 2021, № 11). Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ўзбекларда «сизлар ҳам тўй кўринглар» деб нонларни бўлақларга бўлиши одати мавжуд (Шаниязов, 2011, 351 б.). Сурхон воҳаси қишлоқларида эса, никоҳ кечаси келин ва куёв бошига иккитадан нон қўйилган. Бу нонлар тўйдан кейин фақат келин ва куёвга едирилиб, бу амал улар ўз ризқига ўзи эгалик қилсин деган мақсадда бажарилган (Файзуллаева, 2010. 39 б.). Фарғона вилоятида «нонни жуфт синдиришда эса келин-куёвнинг қўша қариши ҳақидаги магик орзу-истак намоён бўлади», деб таъкидлайди ўзбек элшунос олими А.Аширов (Аширов, 2007. 215 б.).

Тўйларда ўтказиладиган нон билан боғлиқ бундай маросимлар фақат ўзбекларга хос бўлибгина қолмай, балки қўшни тожик ва қорақалпоқ халқларида ҳам мавжуд (Кисляков, 1959. 123 б.).

Нон синдириш удуми бажариладиган тадбирда қудалар тўй сарф-харажатларини ҳам маслаҳатлашиб олишади. Минтақанинг шимолий-ғарбий туманларида тўй масалалари иккала томоннинг келишуви билан ҳал қилинса, жанубий минтақалардаги ўзбекларда эл оқсоқоли – *катхуда* бошчилигида тўйнинг сарф-харажатлари белгилаб олинади. Қудаларнинг давра суҳбатлари жараёнида келиннинг «*қалин пули*» ҳам маслаҳатлашилган.

Республикамизда истиқомат қиладиган ўзбеклар қайси туманда яшашидан қатъий назар, «қалин пули» оиланинг боши – эркак кишилар томонидан белгилаб берилган. Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қиладаган барча этносларда қалин пули деярли бир хил бўлиб, бугунги кунда ўзбеклар орасида асосан ўн беш-йигирма миллион сўмни ташкил қилади. Хўжайли, Тахиатош ва Қўнғирот туманларида эса, агарда бўлажак келин олий маълумотли бўлган тақдирда, қалин пули 30-40 млн сўм атрофида белгиланар экан (МДЁ 2020, № 4; 2021, № 11). Бу туманлардан фарқли равишда республикамизнинг жанубий ҳудудларида мазкур масала фақат катҳуда томонидан қишлоқнинг қоидаларига асосланиб белгиланади.

Қорақалпоғистон ўзбекларида совчилик анъаналарининг узвий давомчиси бўлган «*патия тўй*» ҳам ўтказилади. Бу удум ўтган аср охириларида 40-50 киши иштирокида кичикроқ тўй сифатида нишонланган. Ҳозирги кунга келиб, бу тўй жуда ихчам тарзда, яъни 10 киши иштирокида ўтказилиб келинмоқда (МДЁ 2022 № 6). Бу удум Беруний, Эллиққаъла ва Тўрткул туманларида «*ўғри патир*» деб аталади. Минтақамиздан фарқли равишда Хоразм ўзбекларида «*ўғри патир*» удуми «*фотиҳа тўйи*» маросимидан олдин бажарилган. Бу удум элга овоза қилинмасдан амалга оширилганлиги учун «*ўғри патир*» деб номланган (Маткаримова, 2020. 33 б.).

Республиканинг жанубий туманларида қудалар тўй кунини белгилаганидан сўнг, куёв томон келинга уст-бош сарполар олиб бориш одати мавжуд. Унда асосан келинга мавсумий либослар инъом қилинади. Шунинг ҳам қайд этиш жоизки, сўнги йилларга келиб келин янгалари билан бозорлик қилиш урфга айланган. Қорақалпоқ халқида ҳам шунга ўхшаш ҳолатларни кўришимиз мумкин. Яъни тўй куни белгилангандан сўнг қорақалпоқ йигитлари бўлғуси рафиқасига «бес кийим» (беш кийим) олиб бериши анъанаси мавжуд (Курбанова, 2020. 24 б.).

Қорақалпоғистон ўзбеклари орасида олиб борилган дала тадқиқотларимизга таяниб шунини айтишимиз мумкинки, минтақа ўзбекларида совчилик урф-одатлари бошқа вилоятларда яшайдиган миллатдошларимиз билан умумий хусусиятларга эга бўлишига қарамасдан баъзи локал жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу удум масъулиятли ёши улуг инсонлар томонидан бажарилиши, уч мартагача бориладиган «совчилик»нинг ҳанузгача сақланиб қолганлиги ҳамда бу урф-одатларда ширинлик ва ноннинг катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор гувоҳи бўлдик.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент, 2007.
- Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Тошкент, 1977.
- Кисляков Н. А. Семья и брак у таджиков. Москва-Ленинград, 1959.
- Курбанова З.И. Семейная обрядность каракалпаков: обычай бес кийим в динамике трансформаций традиционной культуры // Археология, этнография и антропология Евразии, 2020. № 3. 124-133 бетлар.
- Маткаримова Н. Хоразм воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари (XX аср ва мустақиллик даври). Тошкент, 2020.
- Расулова З.А. Тошкент шаҳри ўзбекларининг оила-никоҳ муносабатлари (XX аср охири – XXI аср бошлари) Тарих фан. номз. ... дис. Тошкент, 2009.
- Тошева Г. Қашқадарё воҳаси никоҳ тўйи маросими. Тошкент, 2007.
- Шаниязов К. Брачные обряды и церемонии // Узбеки. М., 2011. 349-364 бетлар.
- Штрэнберг Л.Я. Новые материалы по свадьбе // Материалы по свадьбе и семейно-родовому строю народов СССР. Ленинград, 1926. 6 -16 бетлар.

МАЗМУНЫ

I. Х. ЕСБЕРГЕНОВТЫҢ ӨМИРИ ХӘМ ИЛИМИЙ ИСКЕРЛИГИ ХАҚҚЫНДА	3
Х. ЕСБЕРГЕНОВТЫҢ ӨМИРИ ХӘМ ИЛИМИЙ ИСКЕРЛИГИ.....	3
Х. ЕСБЕРГЕНОВТЫҢ ТИЙКАРҒЫ ИЛИМИЙ МИЙНЕТЛЕРИ.....	4
<i>Ж. Айтмуратов</i> - МИЛЛЕТ ЗИЯЛЫЛАРЫН АРДАҚЛАҒАН АЛЫМ	12
<i>М.М. Давлетияров</i> - Х.ЕСБЕРГЕНОВТЫҢ МИЙНЕТЛЕРИНДЕ ҚАРАҚАЛПАҚЛАРДЫҢ ЭТНОГЕНЕЗИ ХӘМ ЭТНИКАЛЫҚ ТАРИЙХЫ МӘСЕЛЕСИНИҢ ҮЙРЕНИЛИҰИ	14
<i>А.Р. Қудияров</i> - ҚАЛА ТАРИЙХЫН ИЗЕРТЛЕҰШИ	17
<i>З.И. Курбанова</i> - ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ФОЛЬКЛОРНЫХ МАТЕРИАЛОВ В ТРУДАХ Х. ЕСБЕРГЕНОВА	21
<i>С.У.Нуржанов</i> - КЛАССИФИКАЦИЯ ИСТОЧНИКОВ ИСТОРИЧЕСКОГО КРАЕВЕДЕНИЯ (НА ОСНОВЕ «ҚОҢЫРАТ ТАРИЙХЫЙ ХӘМ МӘДЕНИЙ ЕСТЕЛИКЛЕРИ» Х.ЕСБЕРГЕНОВА).....	23
<i>Н.А. Тлеубергенова</i> - ВОПРОСЫ МАТЕРИАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ КАРАКАЛПАКОВ В ТРУДАХ Х. ЕСБЕРГЕНОВА	26
II. ЭТНОГРАФИЯ, ЭТНОЛОГИЯ, АНТРОПОЛОГИЯ МӘСЕЛЕЛЕРИ	29
<i>М.А. Абдуллаев</i> - МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚЛАР ЭТНОЛОГИЯСИ ТАДҚИҚИ.....	29
<i>У.К. Абсетерова</i> - ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛҚЫНЫҢ СУҰСЫЗЛЫҚ ЖЫЛЛАРЫНДА ҚОЛЛАНҒАН ҮРП-ӘДЕТЛЕРИ	32
<i>Г.А. Акимниязова</i> - КАРАКАЛПАКСКИЕ БАЗАРЫ НАЧАЛА XX ВЕКА КАК КУЛЬТУРНО-РАЗВЛЕКАТЕЛЬНЫЕ ЦЕНТРЫ	34
<i>А.Е. Бижанова, А.Ж. Дауесова</i> - СЕМАНТИКА ПОМИНАЛЬНЫХ ДАТ В ТРАДИЦИОННОЙ КУЛЬТУРЕ КАЗАХОВ	37
<i>T.R. Jabbarbergenov</i> - XX ÁSIR JERGLIKLI IZERTLEWSHILERDİN MIYNETLERINDE QARAQALPAQ JASLARININ BOS WAQITİ	40
<i>G. Joldasbaeva</i> - KELIN TAŃLAW HÁM OL MENEN BAYLANISLÍ DÁSTÚRLER.....	42
<i>Р.А. Исметов</i> - МУҚАДДЕС ОРЫНЛАРҒА ҚОЙЫЛҒАН АЙЫРЫМ АТАМАЛАР ТАРИЙХЫ	45
<i>Р.С. Камалова</i> - СОВРЕМЕННАЯ ТРАДИЦИОННАЯ ОБРЯДНОСТЬ: ПРАКТИКА, ФАКТОРЫ И ТЕНДЕНЦИИ (НА ОСНОВЕ СВАДЕБНОЙ ОБРЯДНОСТИ).....	48
<i>З.И. Курбанова</i> - КУЛЬТУРА ПИТАНИЯ КАРАКАЛПАКОВ ПОД ВОЗДЕЙСТВИЕМ ГЛОБАЛИЗАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ	51
<i>Д.А. Кудайбергенова</i> - ЗЕРГЕРЛИК БУЙЫМЛАРЫНДАҒЫ НАҒЫС МОТИВЛЕРИ...54	
<i>И.М. Нурмухамедова</i> - ПЕРВАЯ РУБАШКА МЛАДЕНЦА «ИЙТ КӨЙЛЕК» У КАРАКАЛПАКОВ	56
<i>Ә. Қ. Пахратдинов</i> - КИНДИК ШЕШЕ МЕНЕН БАЙЛАНЫСЛЫ ДӘСТҮРЛЕР.....	60
<i>А. Пирназарова</i> - И.В. САВИЦКИЙ АТЫНДАҒЫ МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРЫНЫҢ ЖЫЙНАЛЫҰ ТАРИЙХЫНАН.....	63
<i>З. Рахмоналиев</i> - ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ЭТНОС ВА МИЛЛАТ ТУШУНЧАЛАРИ.....	66

<i>А.Т.Сайтов</i> - ПРИМЕТЫ И СУЕВЕРИЯ У КАРАКАЛПАКОВ, СВЯЗАННЫЕ С РЫБОЛОВСТВОМ.....	69
<i>О.С. Сейтмуратов</i> - ПАСТУШЕСКОЕ ремесло у каракалпаков.....	71
<i>С. Ш.Таджетова</i> - ҚАРАҚАЛПАҚЛАР ТУРМЫСЫНДА «КЕЛИН» СТАТУСЫ ҚӘЛИПЛЕСІҮІНДЕ ҚЫЗ-БАЛА ТӘРБИЯСЫ	74
<i>К.Ж. Турекеев</i> - ОБЫЧАИ И ОБРЯДЫ КАРАКАЛПАКОВ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ, СВЯЗАННЫЕ С РОЖДЕНИЕМ РЕБЁНКА (НА МАТЕРИАЛЕ БУЛУНГУРСКОГО И ДЖАМБАЙСКОГО РАЙОНОВ)	77
<i>М.Б. Утебаев</i> - ПЕРСПЕКТИВЫ КРОСС-КУЛЬТУРНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ В КАРАКАЛПАКСТАНЕ	81
<i>М.И. Ходжанов</i> - ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЎЗБЕКЛАРИНИНГ СОВЧИЛИК УРФ-ОДАТЛАРИ	84
<i>Г.М. Хожаниязова</i> - ҚАРАҚАЛПАҚЛАРДА ӨЗ-АРА ЖӘРДЕМ ДӘСТҮРИНДЕ ХАЯЛ-ҚЫЗЛАРДЫҢ ТУТҚАН ОРНЫ	87
<i>G. Sharjaubayeva</i> - QARAQALPAQSTANLI KOREYSLERDIN AYIRIM SHANARAQLIQ MARESIMLERI	89
<i>М.Ж.Эгамберганаева</i> - ЭТНИК ИДЕНТИКЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ЭТНОЛОГИЯ ФАНИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	91
<i>Б.Ж. Юсупова</i> - ҚАРАҚАЛПАҚ ҚОЛ ӨНЕРИ: АҒАШҚА НАҒЫС ОЙЫҰ МӘСЕЛЕСИ МУЗЕЙТАНЫҰ ХӘМ ЭТНО-АҒАРТЫҰШЫЛЫҚ НӘЗЕРИНДЕ	94
III. ЭТНОГРАФИЯ ХӘМ ГУМАНИТАР ИЛИМЛЕРДИҢ ИНТЕГРАЦИЯЛАСЫҰЫ МӘСЕЛЭЛЕРИ.....	97
<i>А.Т. Бекбаулиев</i> - НЕКОТОРЫЕ ИТОГИ ИЗУЧЕНИЯ КУВШИНОВ С ГОРОДИЩА КУРГАНЧА (КОБЛАНДЫ-КАЛА).....	97
<i>З.У. Бекбергенова</i> - Ө.ӘЖИНИЯЗОВ ПОЭЗИЯСЫНДА ТОПОНИМЛЕРДИҢ ТУТҚАН ОРНЫ ХӘМ КӨРКЕМЛИК ХЫЗМЕТИ	101
<i>А.О. Gulimbetov</i> - XIX ÁSIR EKinSHI YARÍMÍ XX ÁSIR BASLARÍNDA QUBLA ARAL BOYÍ SAWDA HÁM EKONOMIKASÍNÍN TARIYXTANÍWSHÍLÍGÍ MÁSELESÍ	104
<i>О.Т.Доспанов</i> - АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ МАТЕРИАЛЛАРЫНДА ҚАРАҚАЛПАҚЛАРДЫҢ ГЕЙПАРА САЛТ-ДӘСТҮРЛЕРИН САЛЫСТЫРЫҰ МӘСЕЛЭЛЕРИ.....	106
<i>Т. Қ. Жәримбетова</i> - ҚАРАҚАЛПАҚ ӘДЕБИЯТЫНДА КӨРКЕМ-ХҰЖЖЕТЛИ ШЫҒАРМАЛАРДА ЭТНОГРАФИЯЛЫҚ СҰҰРЕТЛЕҰЛЕР	110
<i>М.И. Ниязова</i> - К ВОПРОСАМ ЭТНОАРХЕОЛОГИИ / МАСТЕРСКИЕ ЮВЕЛИРОВ ПОЗДНЕСРЕДНЕВЕКОВОЙ БУХАРЫ.....	113
<i>П.Ж.Өтениязов</i> - ХАЛЫҚ ЕРТЕКЛЕРИНИҢ ПАЙДА БОЛЫҰ ДЕРЕКЛЕРИ.....	115
<i>К.С. Палымбетов, О.Ж. Юсупов</i> - ҚАРАҚАЛПАҚ ЭТНО-ДӘСТАНЛАРЫ: ӘМИР ТЕМҰР ТАРИЙХЫЙ ТУЛҒА ХӘМ ФОЛЬКЛОРЛЫҚ ОБРАЗ	119
<i>Г.У. Сейдаметова</i> - ГОРОДСКАЯ СЕМЬЯ И ОСОБЕННОСТИ БРАКОСОЧЕТАНИЯ В КАРАКАЛПАКСТАНЕ В 1960-1980 ГОДЫ	122
<i>С. Ә. Сулайманов</i> - ҚУБЛА АРАЛ БОЙЫ ДӘСТҮРИЙ ҚАТНАС ЖОЛЛАРЫНДА СУҰ ЖОЛЛАРЫНЫҢ ТУТҚАН ОРНЫ	125
<i>B.U.Temirhanov</i> - GÁREZSIZLIK JÍLLARÍNDA QARAQALPAQ DIYQANSHÍLÍQ ILIMIY-IZERTLEW INSTITUTÍ ILIMIY JOYBARLARÍ ESABATÍNAN.....	127

**Ўзбекистан Республикасы Илимлер Академиясы
Қарақалпақстан бөлими**

Қарақалпақ гуманитар илимлер илим-изертлеў институты

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАНДА ЭТНОГРАФИЯЛЫҚ ИЗЕРТЛЕЎЛЕР:
ТАРИЙХ ҲӘМ ЗАМАНАГӨЙЛИК**

Қарақалпақстанға мийнети сиңген илим ғайраткери,
тарийх илими кандидаты Хожамет Есбергеновтың 90-жыллығына
бағышланған илимий-әмелий конференция

МАТЕРИАЛЛАРЫ

Редактор: А.И. Алниязов
Верстка: В. Султангулова

**Basıwǵa ruqsat berilgen waqtı 05.05.2023 j. Format – 60/84 ¹/₁₆.
“Times” garniturası. Ofset usılında basıldı. Kólemi 8,25 b.t.
Nusqası 100 dana. Buyırtpa №14-22/K**

«Miraziz Nukus» JShJ baspaxanasında basıldı
Ózbekstan Respublikası baspa sóz hám xabar agentliginiń
2018-jıl 16-maydaǵı № 11–3059 licenziyası.

